



Ўзбекистон касаба ўюшмалари Федерацииси Бухоро вилояти кенгашида касаба ўюшма ташкитлари тафтиш комиссиялари раиси ва аъзолари учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Ўқув-семинар

ТАФТИШ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИГА БАФИШЛАНДИ



Унда комиссиялар фаолияти, уларнинг хукуқлари, вазифалари ва мажбуриятлари, иш тартиби ҳамда касаба ўюшмалари фаолиятида тафтиш комиссиясининг тутган ўрни ҳақида сўз борди.

Ингилишда туман, шаҳар кенгашлари, бошлангич касаба ўюшма қўймалари тафтиш комиссияси раислари ва аъзоларига фаолияти, хусусан, иш рехасига мувофиқ зарур ҳолларда касаба ўюшма ташкитларида молиявий-хўжалик фаолиятни текшириш, тафтишдан ўтказиш, текшириш ва тафтиш жараёнларида аниқланган хато-камчиликларни бартараф этиш юзасидан маълумотлар тақдим қилинди.

Ўқув-семинар давомида янги таҳтиргаги Мехнат кодексининг касаба ўюшмалари фаолиятидаги муҳим жиҳатлари ҳақида зарур тушунишлар берилди.

Аҳмад АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон касаба ўюшмалари
Федерацияси Бухоро
вилояти кенгаши
ташкилий ишлар
бўлими мудири

Бироз муддатдан сўнг, рўзгоримизни алоҳида қилиб берисди. Шу билан оиласда етишмовчилик бошланди. Қийинчиллик кўрмадик ҳисоб. «Қиз бола – палаҳмон тоши» деб бежиз айтишмас экан. 2007 йили турмушга чиқдим. Келин бўлиб тушган хона-доним ўтачол оила, турмуш ўттоғим дэхқончилик билан шуғулланарди.

Йиллар шу зайдада ўтаверди. Бу орада фарзандларимиз уч нафарга этиб, топганимиз ейиш-ичишдан ортмай қолди. Аммо бирорва юқ бўйини истасам, рўзгорни ўнгаш учун жон-жаҳдимиз билан ҳаракат киilar эдик...

Шундай кунларнинг бираиди – 2021 йилда ўйимизга бир гурух кишилар ке-

лишиди. Вазиятни ўрганиб, мени «Аёллар дафтари»га рўйхатга кўйишиди. Уларнинг мадади билан ўқув-марказида таҳсил олиб, сертификат олдим ва оиласидек тадбиркорлик билан шуғулланиш учун имтиёзли кредит ажратиди. Шундан сўнг ишларим аста-секин юриша бошлади.

Айни пайдада кооперация ташкил этиб, ўн нафар ишсиз хотин-қизга, шунингдек, маҳалламизды ўзим ташкил этган «Сано зиё» ўқув-маркази филиалида йигирма беш нафар аёлга касб сирларини ўргатиб келмоқдам.

Айтмоқчи бўлган фикрим шуки, мамлакатимизда хотин-қизларга муносабат тубдан ўзгарди. Опа-сингилларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун барчар зарур чоралар кўрилиб, шарт-шароитлар яра-

тилоқда. Ўзимдан қиёс, имкониятлардан унумли ва тўғри фойдаланган аёллар кам бўлаётганий йўқ. Албатта, бу ишлар давлат раҳбари олиб бораётган одилона сиёсат натижасиди.

Интилган одам кам бўлмас экан. Хозир «Аёллар дафтари»да турмайман. Кела-жакда касаначиликни янада кенгайтириб, кўплаб ишсиз хотин-қизларни иш билан таъминлашни, шу орқали уларнинг рўзгорига барака олиб киришини ният қилганди.

Мақсадларимга етишища мени кўллаган ва кўйлаётган, имконият яратиб берган мутасаддиларга миннатдорлик билдираман.

Динара АШИРБОЕВА
Оққўрғон тумани «Гулистан» МФИ

Хисобот

Чилар хавфли меҳнат шароитида фаолият юритиши, уларнинг меҳнат муҳофазасига вазиятдан келиб чиқсан ҳолда эътибор қаратилиши, ишчи-ходимлар маҳсус кийим-бош ва ҳимоя воситалари билан тўла таъминлашни, бахтсиз ҳодимларни олдини олиш бора-сида бир қанча фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ингилиш сўнгидаги касаба ўюшма қўймитаси фаолиятига ижобий баҳо берилди, 2023-2025 йилларга мўлжалланган янги жамоа шартномаси юзасидан бир қанча таклифлар ўртага ташланди.

Орзугул РУСТАМОВА
«ISHONCH»

Бош мақсад – ходимлар манфаати

Икки минг нафардан зиёд ишчи-ходим фаолият олиб бораётган «Худудий электр тармоқлари» АЖ Наманган ҳудудий филиали меҳнат жамоасида жамоа шартномасининг 2022 йилда бажарилишига бағишлиган ҳисобот конференцияси бўлиб ўтди.

Йиғилишда сўз олган корхона директори Адҳам Қаробоев жамоа шартномасида белgilab қўйилган бандлар бўйича ишчи-ходимларга яратилган шарт-шароитларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Конференцияда бошланғич касаба ўюшма қўймитаси раиси Рустам Дедамирзаев ҳисобот даврига қадар жамоа шартномасида акс этирилган бандлар бўйича ходимлар манфаатини кўзлаб амалга

оширилган ишлар юзасидан ахборот берди.

Таъқидландики, касаба ўюшмаси маблағлари эва-зига 86 нафар ҳодим ва уларнинг оила аъзолари санаторийларда соғломлаштирилган. Йил якуни бўйича жамоа шартномаси орқали ҳар бир ходимга 21 миллион сўмдан зиёд турли шаклдаги ёрдамлар кўрсатилган.

Муҳокама асоси электр тармоқлари тизимида ишлов-



Хоразм вилояти мудофаа бошқармасида жамоа шартномасининг ўтган йилдаги ижросига бағишиланган йиғилиш ўтказилди. Унда мудофаа бошқармаси бошлифи ўринбосари У.Моможонов ва касаба ўюшма қўймитаси раиси Б.Машариповнинг ҳисоботлари тингланди.

Бошқармада 68 нафар касаба ўюшма байосси фаолият кўрсатади. 2020-2022 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси асосида ходимлар ва

уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, иш шартномасини худоматлаш, маданий ҳордик чиқарашларни учун барча шарт-шароитлар яратиди. Дам олиш хоналари ташкил этилди.

Ишчи-ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида бошқармага шифокорлар тақлиф қилинди. Ходимлар тиббий кўрикдан ўтказилиб, зарур маслаҳатлар берилди. Бу каби тадбирлар натижасида касб касалликларига чалиниш ҳолатлари, бахтсиз ҳодисаларни олди олинмоқда.

Туғилган кунлари, миллий байрамлар ва касб байрамлари тантанали ни-

шонланиб, ҳодимлар қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотлари билан тақдирланмоқда. Мунтазам равиша спорт тадбирлари ўтказилипти.

Ингилишда сўзга чиқканлар фикр-мулоҳазалари ва тақлифларни билдиришди. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ҳодимлари касаба ўюшмаси Хоразм вилояти кенгаши раиси Шоқир Аллаберганов тармоқ касаба ўюшмаси томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларга атрофлича тўхталиб, аъзоларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»

Путин Туркияга боради



Туркия Президенти Режеп Тайип Эрдоган 27 апрелда Россия Президенти Владимир Путин Туркияга ташриф буюриши мумкинligини маълум қилди. Аввалор ўйанан шу куни Мерсендаги «Аккую» атом электр стансиясига ядро ёқилишига етказиб бериш режалаштирилганини айтганди.

– 27 апрелда балки жаноб Путин ҳам келади ёки биз онлайн боғланиб, биринчи қадамини қўяшимиз, деган умиддаман, – деган Эрдоган «A Haber» телеканалига берган интервьюсида.

«РИА Новости» нинг ёзишича, Туркиядаги «Аккую» АЭС курилиши майдончасига ядро ёнлиғиси етказиб берилди ва ўша ердаги янги ёнлиғи сақлаш манзилига жойлаштирилди. Ёнлиғи етказиб берилган ондан бошлаб «Аккую» ядроий иншоотга, Туркия эса атом energetikasi мавжуд мамлакатга айланади.

Саудия Арабистони ШХТга аъзо бўлади

Саудия Арабистони Вазирлар Маҳкамаси Шанхай ҳамкорлик ташкilotининг (ШХТ) мулоқот бўйича ҳамкор макомини олиш тўғрисидаги меморандумни тасдиқлади.

Саудия матбуот агентлигининг хабар беришича, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида кирол Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд раислик кираган.

Саудия Арабистонининг ШХТ аъзоси бўлиши XXR раиси Си Цзиньпиннинг ўтган йилнинг декабр ойидаги мамлакатга ташрифи чоғида муҳокама қилинган эди. Мулоқот бўйича ҳамкор макоми қиролликка ўтга муддатли истиқболда ташкилотга тўлиқ аъзо бўлишдан



Оламда

Трампнинг сиёсий обрўси хавф остида ми?



30 марта куни АҚШнинг Катта ҳаммалар ҳайъати судьялари собиқ президент Доналд Трампга айлов эълон қилинши маъқуллаб овоз берди, дейилади CNN телеканалини берган хабарда.

«New York Times» газетасининг ёзишича, Манхэттен прокурори якин кунларда собиқ президентдан айлов эълон қилиниши учун судга келиши талаби билан чиқади.

Маълумки, анча кунлардан бўён Манхэттен прокуратуру АҚШнинг собиқ президентига 30 дан ортиқ, эпизод бўйича айлов кўй-

носабатлари бўйича теров бермоқда. Собиқ президент эса Дэниэл эсл билан алоқаси йўқлигини ва умуман ўзи томонидан ҳеч қандай қонунга қарши ҳаракатлар қилинмаганини утириб кельмоқда.

Трампнинг таъқидлашича, таъқиблар сиёсий мақсадларда амалга оширилмоқда ва бу унинг 2024 йилда бўлиб ўтадиган президент сайловида номзодидин кўрсатиш реjasи билан боғлиқ.

Манхэттен прокуратуру АҚШнинг собиқ президентига 30 дан ортиқ, эпизод бўйича айлов кўй-

моқда. Айловлар орасида унинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ фирибгарликлар ҳам бор, дейилади CNN телеканали берган хабарда.



ДЕҲҚОН БОЗОРИНИ БИЛАМИЗ.
ЯНА КИЙИМ-КЕЧАК, МОЛ БОЗОРЛАРИ ҲАМ БОР. ТАХТА, ТЕМИР-ТЕРСАК СОТАЁТГАНЛАРНИ ҲАМ КҮРГАН-МИЗ. АММО ШУ ПАЙГАЧА ОВОЗ СОТУВГА ЧИҚМАГАНДИ. ҚАРАНГИ, ШУ КУНЛАРГА ҲАМ ЕТИБ КЕЛДИК.

Овознинг баҳоси қанча?

Якшаба куни машхур Жўш бозорида бўлдик. Турмуш ташвишлари билан юрган одамларга ним табассум улаштётган йигитлар эътиборимизни торти. Тўрт-беш йигит 5 мингдан «овоз» оламиз, дейа жарсолаётган экан.

— Бизда «овоз» бор, аммо сизлар жуда арzon сўрағисизлар, — дейа ўзимизни гўлликка соламиз.

— Тумандага саноқли мактаблардагина спорт зали бор, — дейди ўзини ўқитувчиман деб таниширгонлардан бирি. — Маҳалламиздаги 3 та мактабнинг бирортасида ҳам спорт зали ўйқ. Болалар қаёнгача кўча чангитишади? «Спорт зал»

лоҳиҳасини илгари сурмоқчимиз. Менга бозордан 150 та овоз сотиб олиш юқлатилган.

— Жами 1,5 мингта «овоз» териб келиш учун йўлланганимиз, — дейа уни кўллади шериги. — Савобли ишдан қуруқ колмам...

Самарқанд шахри Даҳбед чорроҳасида рўпарасига бир дунё салқин ичимлини кўйиб олган йигитларнинг ҳам жагитинмайди.

— Битта овозга 2 дона «Кока-кола», кеп қолинг...

Кечга яқин ҳамон савдони қизитаётган йигитга юзландик:

— «Овоз»лар қанча бўйди?

— Атиги 5 та, — дейди у ҳафасаласиз. — Ҳайрон бўлиб қолдим...

Ҳа, «Ташаббусли бюджет»дек хайрли лойиҳани бозор қилиб сотиб олишга уринаётганлар оз эмас. Начора, дунёни ҳар ким ўз қаричи билан ўлачайди. Бирор кўчани асфальтлаш, яна биро ичимлик сув ташвишида. Қизик.

худудларни икти-мой-иқтисодий ривоҷлантириша масъул бўлган мутасаддиларнинг бу муаммолардан хабари бормикин?

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Ана холос!

ОФИ худудида «Нёкис конструкция қурилыс» МЧЖ томонидан қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган беш қаватли тураржой биноси обьектида биринчи қаватта ўрнатилган айрим монолит темир-бетон колонналарининг бетон маркалари лойиҳа ҳужжатларига мос келмаслиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан инспектори Б.Пахратдинов ёзма кўрсатма берди ва темир-бетон плиталар демонтаж қилиниб, сифатсиз бажарилган ишлар тузиатидаги бўлди. Ушбу худудда «QUANTUM TECH» МЧЖ томонидан қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган 330 ўқувчи ўрнига мўлжалланган мактаб қурилиши обьектида ҳам қоидабузарликлар аниқланди. Эндилиқда бинонинг учинчи қаватидаги сифатсиз икки дона монолит темир-бетон колонналар буздирилиб, қайта ишланмоқда.

Қорайзак тумани «Есим» МФИ худудида «GOLDEN STAR» МЧЖ томонидан қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган беш қаватли тураржой биносининг тўртинчи қаватида фишт териш ишлари нотекис бажарилгани ҳамда СГ-1металл тўрлар лойиҳа ҳужжатларида белгиланган тартибида кўйилмагани сабабли териленған фиштлар буздирилиб, қайта бажаршига кўрсатмалар берилди.

Фотома АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»



бабли буздирилиб, қайта ишлаш бўйича тушуниш ишлари олиб борилди.

Шунингдек, Кегайли тумани «Актуба»

Кўзгуудаги доғ

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек айрим қурилиш компанияларида «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида иш олиб борилаётгани кўзгуудаги доғ каби кўнгилни хижил қиласди. Қорақалпоғистон Республикаси қурилиши соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қонликў тумани «Наурыз» МФИ худудида «Қалбак қурилыс» МЧЖ томонидан қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган беш қаватли тураржой биноси обьектида мониторинг ишлари асоси айрим қоидабузарликлар ўзага чиқди. Объектнинг иккичи қаватидаги парда деворлар сифатсиз экани ва лойиҳа бўйича бажарилмагани са-

мидан ортиқ ашё мамлакатга қайтирилган, улар мусодара қилинган ёки эгалари томонидан иктиёрий равишда берилган, деди Мексика маданиятни вазiri. Фраусто 3 апрель куни Парижда Колумбача бўлган цивилизацияларга оид 83 та артефактнинг аукционини бекор қилишга чакирид. Унинг сўзларига кўра, бу маданият кадриялар, худди ички безак буюмлари каби сотовуга кўйилган. Мексиканинг ўзида 80 йил-



Қадими артефактлар Мексикага қайтирилди

Германия ва Италия ҳукумати Мексикага Колумбача бўлган цивилизацияларга оид 80 дан ортиқ ноёб артефактларни қайтириб берди, деб ҳабар қилди DPA ахборот агентлиги.

40 та экспонат Германиядан самолётда келирилди, жумладан, олмеклар давридаги инсон боши слайдаги улкан базалт ҳайкал ҳам. Унинг ёши уч минг йилдан ортиқидir.

2018 йилдан бери 11

мингдан ортиқ ашё мамлакатга қайтирилган, улар мусодара қилинган ёки эгалари томонидан иктиёрий равишда берилган, деди Мексика маданиятни вазiri.

Фраусто 3 апрель куни Парижда Колумбача бўлган цивилизацияларга оид 83 та артефактнинг аукционини бекор қилишга чакирид. Унинг сўзларига кўра, бу маданият кадриялар, худди ички безак буюмлари каби сотовуга кўйилган. Мексиканинг ўзида 80 йил-

Мулоҳаза

Андижон вилояти

КИМГА АЗА, КИМГА МАЗА...

ёхуд белуп даволаш муассасасидаги пулли хизматлар

Дафъатан икки ёшли қизчам стоматитнинг юқумли турни билан оғриб қолди. Зудлик билан уни вилоят болалар стоматология поликлиникасига олиб бордик. У ерга кираверишдаги «Тиббий хизмат белуп» деган ёзувни кўриб, «Хайрият, ҳалиям белуп хизмат кўрсатиш бор экан», деб енгил тин олдим. Лекин эрта хурсанд бўлган эканман. Амалда касаллик варақасини очишига 2 минг, бир марта ишлатиладиган тиббиёт кўлқопи учун 2 минг, заарсизлантирувчи эритма билан томоқни артиб, яна қандайдир эритма суртишга 15 минг, ультрабинафша нурли музолажага 10 минг сўм тўладим. Қизиғи, пул тўланганини тасдиқловчи биронта ҳам квитанция беришмади.

Бундан ташқари, эрталаб соат 11 да 35-набадта турб (стоматит мавсумий хастилик бўлгани учун шу кунларда поликлиникага келган гўдаклар кўп эди), шифокор қабулига кирдим. Ортимда яна 20 нафарча бемор бор эди. Агар улар ҳам менинг фарзандим сингари музолажа олган бўлсалар, қанча пул сарфланганини ўзингиз ҳисоб-китоб қилиб олаверин.


Яна бир ажабнарли ҳолат. Мен шифокор тавсия қилган, поликлиникага шундоқинча ёндида жойлашган ва ўшига «Арзони бизда» деган ёзув илиб кўйилган дорихонага кириб, «Лор-

дент» эритмаси 60 минг сўмга сотилаётгандан ҳайратга тушдим. Ҳолбук, бир кун олдин бу дорини 27 минг сўмга ҳарид қилгандим. Ёнимдаги кекса ёшли киши пуль камлигини айтуб, арзонроқ нарҳда сотишни сўраганди, дорихоначи «Иложим йўқ, бугундан бошлаб ушиб дорининг нархи қимматлашди», дейишдан нарига ўтмади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: одамларнинг бошига ташвиш тушгангандан фойдаланиб, чўнтақларни қаптайди-раётган шифокорларни тартибга чакириб кўдигандар йўқми? Ёки поликлиникага киравиришдаги «Тиббий хизмат белуп» деган эслатма хўjakоўсинга ёзib кўйилганди?

Биз саволаримизга аниқ жавоб олгунга қадар беморлар пулни шилиши «муолажаларини» ўтказаётган шифокорларга инсоф тиашдан ўзга чорамиз йўқ.

Раънонот УЗОҚБОЕВА
Избоскан тумани



Ақшнинг манетар сиёсати танқид остида



Америкалик таникли тадбиркор ва миллиардер Илон Маск ўзининг ижти-

мой саҳифасида АҚШнинг қатъийлаштирилган манетар сиёсати бошقا мамлакатларни доллардан воз кечишига маҳбур қилмоқда, деб ёэди.

Маск ушбу фикрни молиявий таҳлилчи Женевьев Рош-Дектэнинг Доллар заҳира валюта макомини йўқотаётгани ҳакидаги ёзгандарига жавоб сифатида айтган.

Чоршанба куни Бразилия ва Хитой долларни ишлатмасдан ҳисоб-китобни

амалга оширишни таъминлайдиган ҳамда миллий валютада кредитни амалга оширадиган кирирг палаталарини ташкил қилишиб олди. Бундай йўл тутиши иккича мамлакат ўтасидан тўловларни арzonлаштиради ва долларга қарамлиқдан кутулиш имконини беради.

АҚШ Федерал заҳира тизими инфляцияга қарши курашиб мақсадида ўтган йилдан бўён ҳисоб ставкаларини кетма-кет ошириб келмоқда.

Япония ташқи ишлар вазiri Хитойга келади

«1-2 апрель кунлари Япония ташқи ишлар вазiri Ёсимаса Хаяси ташриф билан Пекинда бўлади. У Хитой ташқи ишлар вазiri Цин Ган билан музокара ўтказади. Ушбу ташриф 2019 йил декабрдан бўён ил бор алмага оширилмоқда», — деб хабар тарқатди Япония ташқи ишлар вазирлиги.

2019 йилда Япония ташқи ишлар вазiri Хитойга икки маротаба ташриф бўюрган эди. Ҳусусан, февраль ойидаги Таро Коно Хитойга боргани бўлса, декабрдан бўён ил бор алмага оширилмоқда.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Кимёвий ҳодиса

Эшигига «Ординаторлар» деган ёзув билтган кенг хона. Ўртада катта стол. Унинг атрофида оқ халати икки киши қара-ма-карши ўтириб олиб, нималарнидир ёзишмокда. Xонадаги жимлиники факат девордаги соатнинг чиқиллаши бузмоқда. Анчадан сўнг ўтирганлар ручкаларини кетма-кет «так» этиклиб, столга ташлашиб-да, бир-бировига саломовни тикилиб қолишиб. Айни дақиқада улар фавқулодда ходиса рўй берини кутаётганга ўхшардилар.

— Эрифмикин-а?
— Билмадим. Менимча, эримайди-ёв.
— Йўғ-е, эрир.
— Ха, энди ба ёғи сизга боғлиқ. Агар ишловни яхши ўтказган бўлсангиз...
— Бу ёғини-ку, котирамиз-а... Ҳатто, кечанинг ўзидәк у бироз қўйшайгандек бўлувди, мен дарров ишни тўхтатиб, бугунга қолдирдим.
— Ҳм-м... Демак, боплабсиз. Кеча қўйшайган бўйса, бугун йиқилиши аниқ.
— Билмадим, билмадим... Кеча ўз номи билан кечи эди. Бугун яна қотиб қолганими, дейман-да. Мана, соат ўн иккidan ошди, ҳалигача натижা йўқ.
— Ҳавотирланманг. Эриш ҳам осон иш эмас. Тайёргарлик деганлариdek...
— Шундайликка шундайку-я, аммо у жудаим қаттиқ экан. Юмшатгунча роса терладим. Ҳар қалай, бугун эриши тайин. Кўнглим сезиб туриби.
— Сизга ишонаман. Майли, яна ярим соат кутайлик, балки шунда «Сабрнинг таги – олтин» деганлари рост бўлиб чиқар.
— И-е, и-е, шошманг, авни томонга қаранг.

Келинг, бир кулишайлик...



— Алло, севгилим! Қайдасан, нималар қуляпсан?
— Уйдаман, ухламоқчи бўлиб кўй – деди дарс ўтаётган домла четроқда ўтирган талабага.
— Тавба, уни сиз ухлатдингиз-ку, мен ўйтотманими? – тўнғиллади талаба.
— Қани, ўғлим, айт-чи, амманг кетаётганда нима дебиши керак?
— Худога шукр!..
— Ойижон, манави пашшадан фил ясад беринг, – деди қизалоқ.
— Нималар деялсан? Эсинг жойидами? – ахабанди ойиси.
— Ахир, дадам сизга доим пашшадан фил ясайсан, дейдилар-ку.
— Эрим ажойиб-да! Бирор ножӯя иш қилиб кўйсан, уришимайди, жилмайди кўя қолади.
— Таажхуб! Кун бўйи жилмайди юриси жуда азоб-ку!..

Ҳажвия


Кўраяпсизми, у эрибди, ҳа-ҳа, ростданам эрибди.
— Э, ўлманг, яшант! Маҳоратингизга қойилман. Офарин сизга!..

Хуллас, навбатдаги «тадқиқот» мувофакиятли яқунланди. Ҳамкаслар кувонгана ўринларидан туриб, бир-бирларига кўл ташлашиб. Сўнгра хонага тугун кўтариб кираётган беморга пешвоз чиқишиб...

Сафар КОКИЛОВ



1 АПРЕЛЬ – Ҳазил ва мутойида куни



Митти хандалар

Ранг-баранглик яхши

— Чучвараларинг ҳар хилми, хотин, бирин катта, бирин кичик-а?
— Ахир, ўзингиз бир хил овакт еявериш жонга тегди, дедингиз-ку, дадаси.

Кўпроқ эди

— Театр залида томошибинлар кўчилилек эдими?
— Унчалик эмас. Ҳар қалай, саҳнадагилардан кўпроқ эди.

Ўчиришини унутмантлар

Болалар боғчасидаги ёълон:
«Азиз болажонлар! Ухласида кираётганда бошқаларнинг оромини бузмаслик учун уяли телефонларингизни ўчириб кўшиши унутмантлар!»

Ит билармикин?

Хураётган итдан кўркиб, қалтираб турган кишига кимдир далда берди:

— Кўркманг, биродар. Хуронгич ит тишламаслигини билмайсизми?

— Мен-ку биламан, бирок буни анови кўпрак билармикан, билмасмикан, деб кўркяпман-да.

Ақдан-бақдан

Уйку дори ўрнида фойдаланиш мумкин бўлган китоблар сотувга чиқди. Аввал эснатади, кейин ухлатади. Экологик тоза маҳсулот. Шаҳар китоб дўконларидан сўранг.

КЎНДАЛАНГ САВОЛЛАР

Миш-мишларнинг урчишида тил асосий ролни ўйнайдими ёки кулоқми?

Нима учун ёлғоннинг умри қисқа-ю, ёлғончининг кўли узун?

Камрок хиёнат қилган одам садоқатлироқми?

Тавсифнома одамнинг қандай эканлигини билдирадими ёки қандай бўлиши кераклигиними?

Аҳмоқ одамдан ҳам ақл билан фойдаланиш мумкини?

Беҳуда сафсатабозлик ва лақиљ

лашлардан воз кечсак, сўз бойлигимиз камайиб кетмайдими?

Мактандурик бирор иш қилмаган одамни камтара дейиш керакми?

Маошини ўз вақтида олишина унутмайтган кимсанинг хотирасидан шикоят қилиши тўғрими?

Керакли тош оғирроқми, ақлсиз бошими?

Пул – кўлнинг кири. Бироринг кўл кири билан ўзингизни кини ифлос қилмаяпсизми?

Ҳабиб СИДДИҚ

Масал



Бир Чумоли ариқ бўйида дам олаётганди, бошқаси ёнiga келиб, аста деди:

— Ха, оғайнин, дам оляйсанми? Жуда тўғри қиласан. Кун бўйи ишлайдан кейин дам олиш ҳам керак-да!

У эртаси куни шу ерда ўз фарзанди дам олаётганини кўриб, жаҳли чиқди:

— Ҳа! Ётибисиз ялпайиб! Кун бўйи ишлаб тогни талқон қилиб юбордигизда-а?! Қани, тур ўрнингдан! Ишлаб ҳали ҳеч ким ўлмаган.

Қиссадан ҳисса: кўпинча шундай бўлуди: одамлар энг заҳархандали гапларини ўз яқинларига айтишиди.

Баҳодиржон ШОКИРОВ

«SURXON SAVDO INVEST» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади

Тилмаган тақдирда ёки савдо ғолиб бөлгиланган муддатда шартнома имзолашдан бош торгса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартлари бажарилмаса, тақрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг пайшана кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтиши олдиндан маълум қилиниди.

Автотранспорт воситаси билан «Аму-Сурхон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси хузуридаги Насос стансиялари ва энергетика бошқармаси ходимлари иштирокида бевошига жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар закалат пули тўғрисида келишувнан имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 2 (икки) соат олдин тўхтатилиди.

Талаборлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолаган-

дан сўнг объект бошлангич баҳосининг 15 фойзидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини «SURXON SAVDO INVEST» масъулиятни чекланган жамиятининг ҳисобракамига (банк: XAB «Трастбанк» Термиз филиали, МФО: 01063, x/r: 303477661) тўлашлари ва кўйидаги хужжатларни иккى нусхада топширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўлангани ҳақида тўлов хужжати, ваколати шахс қатнашса, ўрнатилган тартибида расмийлаштирилган ишончнома.

Кўшишма маълумотлар олиш учун манзил: Термиз шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 162-йи, 1-хонадон. Телефон: +998 (76) 221-90-36. Гуваҳнома № 903

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Самарқанд вилояти кенгаши ҳамда вилоядаги барча тармоқ касаба уюшма кенгашлари жамоалари Аргосаноат мажмуми ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд тумани кенгаши ҳисобчиси Гуландар Бобумуродовага онаси

Турсуной МАХМУДОВА вафот этганда муносабати билан ҳамдадрлик билдиради.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда «Шамсуддинхон Бобохонов» нашриёт-матбаба ижодий уйи жамоаси нашриёт мухаррири Абдулатиф Абдуллаевга волидан муҳтарамаси

Майрам БЕРДИШУКР қизи вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Янгиюл шаҳар Ер тузиша ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгиюл шаҳар, Тошкент шоҳ кўчаси, 48-йи, 21-хонадон учун Умаралиев Равшан Джаббаралиевич nomiga berilgan yўnинг кадастри хужжати йўқолгани сабабли бекор қилинади.



TSSN 2010-5002 2007-yil 11-yarvanda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqm bilan o'rnatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Dovreieri» gazetalarini tahrir hayati:

Qadratilla RAFIQOV (tahrir hayati raisi), Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulllo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEZIROV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrab RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OVIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (bosh muharririning birinchi o'rinosari), Mehriddin SHUKIROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Dovreieri»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalarini hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlari va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan iqlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalp'iston Respublikasi – (+998-97) 506-86-98 Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati – (+998-91) 406-43-24 Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02 Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28 Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32 Farg'on'a viloyati – (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch» dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'satilishi shart. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazardan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: Z. Rixsiev

Musahihilar: D. Xudoberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdusalilov

Bosishga topshirish vaqtisi – 21:00 Toshirildi – 21:20 Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami: 2021 00000 0004 3052 7001, ATB «Ipoteka bank» Yashnobod filiali, bank kod: 00959, STIR: 20113889, OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahilafandi.

Gazeta offset usulida, A-2 formatida bosilidi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-413 Nashr ko'rsatkichi: 133

1 2 3 4 5 6 Umumiy adadi 31278 14505 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbabasi aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonan manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'